

---

## **КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ МОДДАЛАРНИ СОТИШГА УРИНГАН ШАХСЛАРГА СУД ҲУКМИ ЎҚИЛДИ**

Гиёхвандлик воситалари ва қучли таъсир қилувчи моддаларга қарши кураш бугунги кунда ҳам ўз долзарбилигини йўқотганича йўқ.

Мамлакатимизда фуқароларни ушбу иллатдан муҳофаза қилиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу турдаги жиноятларни фош этиш ва уларга чек қўйиш орқали кўплаб фуқароларнинг ҳаёти ва келажаги сақлаб қолинишига эришилмоқда.

Ана шундан тадбирлардан бирида О.А, У.Сга кучли таъсир қилувчи модда “Тропикамид” дори воситасининг 90 донасини сотишиб, Ёзёвон тумани Хотира майдонида харидордан дори воситалари учун 5.000.000 сўм пулларни олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган, шундан сўнг тезкор тадбир давом эттирилиб, А.Онинг аризасига кўра, Фарғона тумани Водил махалла фуқаролар йиғини ҳудудида бошقا шахслар М.Д ва Қ.Ш гурух бўлиб, А.О.га таркибида кўп миқдордаги кучли таъсир қилувчи модда бўлган 90 дона “Тропикамид” номли кучли таъсир қилувчи дори воситасини сотган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга олинган.

Мазкур жиноят иши туман суди томонидан очиқ суд мажлисида кўрилиб, судланувчиларга ЖКнинг тегишли моддалари билан жазолар тайинланган бўлса, ашёвий далил тариқасида олинган гиёхвандлик воситалари қонунда белгиланган тартибда йўқ қилиниб, шунча миқдордаги ажал оғусининг зарар етказиши олди олинди.

Рахматжон Арапов,

жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг раиси

2022-06-30 13:52:51